БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

135 (3107). | Сешанба, 13 июль 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СУВЧИЛАР ОТАХОНИ

Тўрт юз гектардан ортиқ майдонда 1-«Оҳангарон» совхози 1 ва 2-бўлимларининг ишчилари пахта, сабзавот, полиз экинлари мақсулотлари етиштиришади. Шу ҳар иккала бўлим деҳқонларининг иззат-ҳурматига сазовор бўлган бир киши бор. Дархон Арслонов, ҳамма уни сувчиларнинг отахони, деб таърифлайди. Бу бечиз эмас, албатта.

Дархон ота 61 баҳорни кўрди. У, Улуғ Ватан урушининг инвалиди. Шундай бўлса ҳам бу одам сира тиниб-тинчишни билмайди. Қаерда бўлсам ҳам озми-кўпми эл-юртга нафим тегса, дейди. Шунинг учун ҳам у мироблик касбини танлаб олган. Шу касб унга руҳ бағишлайди. Негаки, сув — бу ҳаёт эканлигини яхши билади.

Шу кунларда совхозкинг Янтоқтепасига борсангиз Дархон отани учратасиз. У кечаси ҳам, кундузи ҳам қулоқбошида, сувбошида. Мана бир мисол. Биз уни тонг чоғида Оҳангарондан сув келадиган тўғон бошида кўрган эдик. Тушдан кейин бўлса шу тўғондан 12 чақирим узоқдаги — ариқнинг энг этагига жойлашган ўртоқ А. Ортиқов бошлиқ участканинг пахта майдонида учратдик. У сув таралган карталарни синчиклаб кўздан кечирарди. Шунақа пушталарни бостириб суғорган сувчи ҳам, пала-партиш иш қилган сувчи ҳам отанинг қойишини эшитади. Аммо лекин ҳозир бу ерда Дархон отанинг чеҳраси очиқ, кўнгли чоғ эди. Чунки участканинг миришкор деҳқони Йўлдош ота Умаров эгатларга бир меёрда жилдиратиб сув тараган, ҳар туп ғўза қониб сув ичаётган эди.

— Ўн йилдан бери мироблик қиламан, — дейди Дархон ота, — лекин шу бу йилгичалик сув танқислигини кўрмаганман. Шу важдан қайси бир сувчи сувни исроф қилаётганлигини кўрсам жиғи-бийрон бўлиб кетаман.

Отанинг гапида жон бор. Иккинчи бўлимнинг ўртоқ Т. Давронова бошлиқ бригадасида илгари ғўзалар фақат кундузи суғориларди-ю, кечалари бекорга оқиб ётарди. Дархон ота дарҳол бунинг олдини олди. Участка бошлиғини ҳам, сувчиларни ҳам қаттиқ огоҳлантирди. Мана, энди исрофгарчилик тугатилди. Участка ғўзалари кундузи ҳам, кечаси ҳам сарғайтон сувига қонянти.

Шундай, Дархон ота Арслонов ҳар куни икки бор тўғон бошига қатнайди, 40—50 лаб қулоқбошларига кўли тегади. Ҳар бир участканинг сув таралган пайкалларини кўздан кечиради. Узининг 35 йиллик бригадирлик ва мироблик даврида орттирган бой тажрибаларини бошқалар билан баҳам кўради. Демак, нуроний, меҳнаткаш ота чиндан ҳам сувчиларнинг отахони.

Т. НАЗАРОВ.

ТИНЧЛИК — ҲАЛҚЛАР ОРЗУСИ

ТИНЧЛИК, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ЖАҲОН КОНГРЕССИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Хельсинкига — тинчлик, миллий мустақиллик ва қуролсизланиш учун курашга бағишланган жаҳон конгресси қатнашчиларига телеграмма юборди. ССР Иттифоқи Министрлар Совети, бутун совет халқи, дейилади телеграммада, барча мамлакатлар ва қитъалар тинчликсевар кучларининг вакилларини қизғин табриклайдилар. Тинчлик учун курашувчиларнинг бутун жаҳон конгресси халқаро миқёсда буюк ижтимоий-сиёсий воқеадир. Бу конгресс замонамизнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоғи керак. Тинчлик, миллий мустақиллик ва қуролсизланиш шундай проблемалардирки, бу проблемаларни ҳал этмоқ учун куч-ғайратни сира аямаслик керак.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши олиб бораётган адолатли ва оғир курашида уни қўллаб-қувватлаш - ҳозирги кунда тинчликсевар кучларнинг энг муҳим бурчидир.

СССР Министрлар Советининг Раиси конгресс қатнашчиларига бутун ер юзидаги халқларнинг умумий манфаатларига хизмат қилишдек олижаноб вазифани бажаришда муваффақият тилади. (ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Миллий байрам-Монголияда Халқ революцияси ғалаба қилган куннинг 44 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқи номидан Монголия Халқ Революцион Партияси Марказий Комитетига, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумига, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советига, қардош монгол халқига самимий табрик ва энг яхши истакларини йўлладилар.

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян, А. Н. Косигин ўртоқлар Монголия Халқ Республикасининг раҳбарлари Ю. Цеденбал ва Ж. Самбу ўртоқларга юборган мактубларида таъкидлайдиларки, монгол халқи ўтган йиллар ичида ўз партияси раҳбарлигида сиёсий, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришди.

Азиз ўртоқлар, дейилади мактубда, миллий байрам кунида сизларга ва бутун қардош монгол халқига социализм қурилишида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини, бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

(ТАСС).

ИНДОНЕЗИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, Индонезия Компартияси Марказий Комитетининг раиси Д. Н. Айдит бошчилигида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Индонезия компартиясининг делегацияси 11 июлда Узбекистон пойтахтига келди.

Тошкент аэродромида делегацияни Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

12 июлда Д. Н. Айдит бошчилигидаги Индонезия компартияси делегацияси Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Сўнгра, индонезиялик меҳмонлар Тошкентни томоша қилдилар. Узбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Тушдан кейин улар Чирчиқ ГЭСи қурилишида, Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхозида бўлдилар. (УзТАГ).

ИЮЛЬ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари биз пахтакорлар зиммасига ҳам улуғвор ва масъулиятли вазифаларни юклади. Қишлоқ хўжалигининг бошқа экинлари каби пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштиришни асосий вазифалардан бири қилиб қўйилди.

Совхозимиз коллективи партиямиз Марказий Комитети Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираборибдеҳқончиликни юксалтириш соҳасида бир қанча ютуқларни қўлга киритишди. 4100 гектар ерга чигит қисқа вақтда агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда экилганди. Биз ҳамма майдонларда кўчатни бир текисда ундириб олиб, уни сифатли парвариш қилиш учун барча куч ва резервларни ишга солдик. Натижада кўчатларимиз кўп бўлди. Ҳозир бир гектардаги кўчатимиз 90 минг тупни ташкил қилади. Пахтакорларимиз деҳқончиликка механизацияни кенг жорий қилиб қатор ораларига икки томонлама ишлов беришни уюшқоқлик билан олиб боряптилар.

Бу ҳаммаси эмас. Бизда минерал ва маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланиб гектар бошига ҳосилдорликни оширишга ҳам жиддий эътибор бериляпти. Деярлик ҳамма майдонларда ўғит етарли ташланганлиги сабабли ҳам ўсимлик юмшоқ тупроқда чуқур томир олиб ўсмоқда. Агар шу кунларда далаларни айланиб кўрсангиз асосий майдонлардаги ўсимлик қийғос ҳосилга кирганлигининг гувоҳи бўласиз. Тўғри, унча-мунча карталаримизда ғўзалар сийрак, ўсишдан орқада қолган.

Лекин биз бу карталардаги ғўзаларни «ўтай» қилиб қўймаяпмиз. Аксинча кўп кучимиз ана шу ривожи паст, ҳосили кам ғўзаларни қўшимча равишда парвариш қилишга қаратилган. Бу ғўзаларни ҳам июль ойида олдингиларига етказиб оламиз. Бунинг учун нималар қиляпмиз. Қатор ораларини иккинчи марта культивация қиламиз. Бир марта қондириб суғорамиз. Шу билан бирга минерал ва маҳаллий ўғитни майдалаб қатор ораларига ташлаймиз. Кейин шарбат оқизамиз. Ўйлаймизки, буларнинг ҳаммаси ҳосил шохларини қўйпайтиришга, бир туп ғўзада икки-уч туп ғўза ҳосилини олишга хизмат қилади.

Совхозимизда ҳосил тўплаш ойлиги жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ҳар бир деҳқоп кенг майдонлардаги экинлардан баракали хирмон кўтариш иштиёқи билан яшамоқда. Қийғос ҳосилга кирган ғўзалар билан машғулланиб кетишмаяпти. Аксинча уларга ишлов беришни бир кун ҳам бўшаштиришмаяпти. Илғор участка ва бўлимларимизда ғўзани чеканка қилиш бошланди. Бунинг ҳосил тўплашда аҳамияти ниҳоятда каттадир. Биз июль ойи ичида ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 6—7 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Ишни пухта ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз. Бизда жуда кўп моҳир механизаторлар, тажрибали сувчилар ташаббус билан меҳнат қилишмоқда. Совхозда хўжалик ҳисобида ишлайдиган 90 та звено бор. Уларга 40—45 гектардан пахта майдони, зарур миқдорда техника ва 6—7 киши бириктиб қўйилган. Звено бошлиқлари ҳам тер тўкиб ишлашяпти. Улар ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилиш билан бирга ҳар бир туп ўсимликнинг нес-нобуд, пайхон бўлиб кетмаслигига ҳаракат қилишяпти.

Биз ҳосилнинг асосий қисмини техника ёрдами билан териб оламиз. Шу сабабли ҳам ҳамма карталаримиздаги ғўзалар машинабоп бўлиб ўстирилмоқда. Пахтакорларимиз дефолиация қилишни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳозирдан тайёргарлик кўришяпти. Биз уни 1 сентябрдан кечиктирмай бошлаб юборамиз. 12—15 сентябрдан эса ёппасига «зангори кема»ларни ишга соламиз. Далаларимизда 130 терим машинаси ишлайди.

Пахтакорларимиз йиғим-теримга ҳам тайёргарлик ишларини кучайтириб юборишди. Терим машиналари ремонтдан чиқарилмоқда. Пахта ташийдиган прицеплар тартибга келтириб қўйилмоқда.

Биз пахта тайёрлаш давлат планини узоғи билан 10—12 октябргача ёки 25 иш кунида бажариш тадбирларини кўряпмиз.

Совхозимизда чорва қишловига ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти. Совхознинг ҳамма бўлимларида беда уриш, дағал хашак тўплаш ишлари қизғин кетяпти. Силос бостиришга ҳам киришдик.

Биз ишни партия ва ҳукуматимиз кўрсатгандек ташкил қилиб қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаймиз. Чорвачиликни ривожлантириб, унинг маҳсулдорлигини оширишда катта қадамлар қўямиз.

З. МАХСУМОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори.

ҲОСИЛ ШОХЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг коммунист ўртоқ Ким Боижу бошчилик қилаётган участканинг аъзолари ғўза қатор ораларида зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Деҳқонлар ҳар бир ғўза тақдири ҳақида ўйлашиб, ундан кўпроқ хирмон кўтаришга ҳаракат қилишяпти. Тонг отиши билан далада иш қизиб кетади. Ҳамма бир кишидек меҳнат қилиб, ўзига биркитиб қўйилган карталарда мўл ҳосил тўплайди. Гектар бошига 300 килограммдан аммиак селитраси, 300 килограммдан суперфосфат солиб, иккинчи марта комплекс равишда қатор ораларига ишлов берилди. Ғўзанинг талабига қараб иккинчи марта қондириб суғорилди. Техникадан ҳам фойдаланиш ёмон бўлмади. Иккинчи марта кўндалангига, беш марта узунасига сифатли культивация қилинди. Натижада ғўзалар тез ривожланиб, ҳосил шохларини борган сари кўпайтирмоқда. Айниқса Медетбек Мирзаев, Муҳит Мирзааҳмедов ўртоқлар бошлиқ звеноларда ғўзаларнинг ривожи яхши. Пахтакорлар зўр ғайрат кўрсатишиб 180 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил тўплаш учун ҳаракат қилишяпти. Улар июль ойи ичида қатор ораларига бир ярим марта ишлов беришга аҳд қилишган.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
М. МИРСАИДОВ.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

БЕКОБОД. Уста деҳқон Комил ака Рустамов «Победа» колхозида бир неча йиллардан буён сувчи бўлиб ишлаб келяпти. У ғўза суғоришда катта тажриба орттирган. Комил ака пайкалга сув тарашдан олдин ернинг паст-баландига қараб, ўқарикни ҳар ер-ҳар ериданчим билан бўғади. Кейин сув қўйишга киришади. Натижада майдоннинг ҳамма еридаги ғўзалар бир меёрда қониб сув ичади. Ҳозир Комил ака суғораётган ғўзалар барқ уриб ўсаяпти ва мўл ҳосилдан дарак бераяпти.

Э. ҚИРҚБОЕВ.

* * *

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. «Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Петр Ким бошлиқ участкаси деҳқонлари гектар бошига 29 центнердан хирмон кўтариш мақсадида ғўза ниҳолларини илғорлар тажрибаси асосида парвариш қилишга жиддий эътибор бермоқдалар. Ҳозир қатор ораларга тўртинчи марта культивация қилинмоқда. Культиваторлар осилган агрегатларни звено бошлиғи — механизаторлардан Алексей Ким ва Андрей Ни ўртоқлар бошқаришяпти. Культивация билан бир қаторда ҳар гектар ерга 200 килограммдан азотли ўғит солиб кетилаяпти. Участканинг меҳр билан парварриш қилинаётган ғўзалари ёппасига кўсаклай бошлади.

Э. ДОВУТБЕКОВ.

* * *

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Бектош Оқбердиев бошлиқ участкаси 3 та комплекс механизациялашган звенога бўлинган. Бу звеноларга моҳир механизаторлардан Марс Хусаинов, Ортиқ Алимжонов, Кўчқор Мусабоев ўртоқлар бошчилик қилишаяпти. Улар ўз агрегатлари билан ғўза қатор ораларига жадал ва сифатли ишлов беришмоқда. Участканинг 120 гектар майдонида етиштириладиган ҳосил машиналар билан териб олиниши керак. Ана шуни назарда тутиб деҳқонлар ғўзаларни мажинабоп қилиб ўстиришга алоҳида эътибор бераяптилар. Бунда сувчилардан П. Сулаймонов, А. Нурматов ва Х. Йўлчиев ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Н. ТЎФОНОВ.

ЧЕКАНКА БОШЛАНДИ

БЎКА, (телефон орқали олинди). Районнинг илғор хўжаликларида ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги уюшқоқлик билан кетяпти. Пахтакорлар қатор ораларига ишлов беришни сифатли ташкил қилишиб, ҳар бир ниҳолда кўпроқ ҳосил тўпланишига эришмоқдалар. 2-«Пискент», «Бўка» совхозларида, «Гулистон», Калинин номли колхозларда ғўзаларга қайта ишлов берилиб, бегона ўтларнинг илдизлари юлиб ташланмоқда. Суғориш, культивация агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этиляпти. Деҳқонлар ҳар туп ғўзада бўлиқ кўсаклар ҳосил қилишга ҳаракат қилишяпти.

«Бўка» совхозининг далаларида универсалларнинг овози баралла эшитиляпти. Механизаторлар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ғўзани чуқур культивация қилишяпти. Минерал ва маҳаллий ўғитларни кўпроқ экинга ташлашяпти. Совхознинг ўртоқ Маткарим Йўлдошев бошлиқ участкаси аъзоларининг ҳам ҳаракати чакки эмас. Улар июль ойида ҳар туп ғўзада кўпроқ ҳосил тўплаш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу ерда ғўзаларга жилдиратиб сув оқизиляпти. Шу сабабли ҳам ғўзалар беғубор, тез ҳосилга кирмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 7-8 тадан гул, 4-5 тадан кўсак бор. 14-15 шох бўлиб ўсаётган ғўзалар анчагина.

— Биз, — дейди участка бошлиғи, — қатор ораларига ишлов беришни сусайтирмаган ҳолда ғўзани чеканка қилишни бошлаб юбордик. Чеканкани қанчалик тез ва сифатли ўтказсак, ҳосилимиз шунча кўп бўлишини яхши биламиз. Деҳқонларимиз КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошираборибҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтариш учун қатъий кураш бошладилар. Биз ҳосилнинг етилиб пишганига қадар даладан чиқмасдан туриб, қатор ораларига ишлов беришни давом эттирамиз. Шундай қилиб, ҳар гектар ердан бир йилнинг ўзида беш центнердан ҳосилни кўпайтирамиз.

ШАРАФЛИ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг ўртоқ Абдулла Абдурахмонов бошлиқ участкасининг аъзолари фидокорона меҳнат қилишиб қатор ораларида мўл ҳосил тўплашмоқда. Улар ҳар гектар ердан 38 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Юқоридаги суратда: участка бошлиғи ўртоқ А. Абдурахмонов.

А. АБАЛЯН фотоси.

Янгийўл кондитер фабрикаси коллективи ширин-шакар маҳсулотлар ишлаб чиқариб дастурхонимиз зебига-зеб қўшаяпти. Конфетлар, печеньелар пешма-пеш харидорлар учун жўнатилиб турибди. Суратда: какаони қайта ишлаш цехи смена мастери Р. Разумнова иш устида. У бошлиқ смена аъзолари топшириқларни донмо ортиқ билан адо этиб келишяпти.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотоси.

ЛЕНИНГРАДНИНГ ОЛТИН ЮЛДУЗИ

Ленинград, 10 июль. (ТАСС-нинг махсус мухбирлари **А. Ивановская, М. Герасимов**). Революциянинг шонли шаҳри Ленинграднинг жанговар байроғи... Бугун унинг қизил алвонидаги уч орден устида олтин юлдуз порлай бошлади. Совет халқи 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 20 йиллигини нишонлаш учун СССР Олий Совети Президиумининг Ленинградга «Олтин юлдуз» медалини топшириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

...С. М. Киров номидаги академик опера ва балет театри байрам либосини кийган. Бу ерда КПСС область ва шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг партия, совет, жамоат ташкилотлари, Ленинград ҳарбий округи ва Ҳарбий Денгиз Флоти қисмлари вакиллари иштироки билан тантанали мажлиси бўлди.

Шу ерда ҳозир бўлганлар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежневни, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устиновни, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирновни, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновскийни, СССР Ҳарбий Денгиз Флоти бош қўмондони, флот адмирали С. Г. Горшковни ва бошқаларни самимий кутиб олдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков очди.

— Ленинграднинг ҳимоячилари, — деди у, — партиямизнинг, унинг Марказий Комитетининг кундалик ёрдами ва ғамхўрлиги туфайлигини 900 кун давом этган блокадага бардош бераолганликларини, Ленинград остоналарида душманни тор-мор келтира олганликларини ленинградликлар яхши биладилар. Душманнинг зирҳли галаларини тор-мор келтирган куч-партия билан халқнинг моно лит бирлигидир.

Мажлис қатнашчилари бир минутлик сукут ичида ҳалок бўлган ленинградликларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди, шундан кейин Ленинград байроғи олдига келиб, гулдурос қарсаклар остида бу байроққа «Олтин юлдуз»ни қадаб қўйди. Фахрий мукофотни КПСС область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков бошчилигидаги делегация қабул қилиб олди.

КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов, Балтика заводининг кема йиғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Смирнов, академик Б. П. Константинов, уруш йилларида Ленинград осмонининг ҳимоячиси, иккинчи марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. А. Покришев, пўлат-прокат заводининг бригада бошлиғи Галина Левашовалар юксак мукофот учун жонажон Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик сўзларини айтдилар.

Мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига мактуб қабул қилдилар.

Тантанали мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев катта нутқ сўзлади.

Партия ва ҳукумат, деди Л. И. Брежнев, Улуғ ғалабамизнинг 20 йиллигига кунларида ленинградликларнинг Ватан олдидаги буюк хизматларини ва оғир блокада шароитларида немис-фашист босқинчиларга қарши курашда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлигини нишонлаб, қаҳрамон шаҳар Ленинградга «Олтин юлдуз» медали топшириш ҳақида қарор қабул қилган эдилар. Бутун совет халқи бу қарорни маъқуллади.

Нотиқ бундай деди: Қадимий ўтмишдаги афсоналар ва ҳали яқин ўтмишдаги фожиали саҳифалар ҳам Улуғ Ватан урушининг йилларида қамал ичида бўлган Ленинграднинг 900 кунлик қаҳрамонона мудофааси каби инсон мардлиги, матонати ва фидокорона ватанпарварликнинг беқиёс эпопеяси олдида ожизлик қилади. Бу — ер юзидаги барча урушлар тарихида халқ ва армиянинг энг катта ва ларзага келтирадиган оммавий жасоратларидан бири эди. Ленинградликларнинг мардлиги, Ленин шаҳри ҳимоячиларининг жасорати совет кишиларининг ҳозирги авлоди ва келажакдаги авлодларининг олижаноб хотирасида абадий сақланиб қолади.

Сизнинг шаҳрингизда, деб сўзини давом эттирди Л. И. Брежнев, революцион жасорат, мардлик эстафетаси, озодлик ва адолат учун кураш идеалларига садоқат эстафетаси авлоддан авлодга ўта борди, деб айтиш мумкин. Ленинграднинг революционерлар қонига беланган кўча ва майдонлари ҳам бу курашнинг муқаддас ёдгорликлари бўлиб қолди. Россиянинг пешқадам кишилари тўғрисидаги, самодержавиега қарши курашган, Петропавловск қалъаси зиндонларида азоблаб ўлдирилган, қотиллар ўқидан ҳалок бўлган кишилар тўғрисидаги хотира шаҳар тарихида сақланиб қолди. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси Ленинград уч революция шаҳри, Октябрь бешиги эканлигини эслатиб турибди. Неванинг гранит билан қоплаган соҳили яқинида тилларда достон бўлиб қолган «Аврора» крейсери абадий вахтада турибди. «Аврора» крейсерининг тўплари социалистик революциянинг манфур эски дунёга қарши биринчи ўқларини узди.

Ленин сизнинг шаҳрингизни астойдил севар эди. Ленин бу шаҳарнинг революцион кучларига доим катта умид боғлар эди. Совет давлати учун энг оғир ва энг хатарли кунларда Ленин Питер меҳнаткашларига ёрдам сўраб мурожаат қиларди ва бу шаҳар мамлакатга жуда катта амалий ёрдам бериб, уни астойдил қўллаб-қувватларди. Душман Петроградга тахдид қилган пайтда Ленин чақириғи билан бутун Россия революция шаҳрига ёрдамга келди.

Совет ҳокимиятининг қарийб ярим асрлик бутун тарихида Ленинград коммунистлари ҳамиша партиямизнинг ишончли таянчи, халқимизнинг социализм ва коммунизм ғалабаси учун улуғ курашидаги энг яхши, илғор отрядларнинг бири бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қоладилар.

Шу пайтда ҳаммамиз, бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммаси, деди Л. И. Брежнев, фикр ва туйғуларимиз билан Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларига ва бу урушда Ленинград ҳамда ленинградликлар ҳиссасига тушган синов ва машаққатларга назар солмоқдамиз.

Совет халқи бу урушни олижаноб ва ҳаққоний мақсадлар учун олиб борди.

(Охири 2-бетда).

ЛЕНИНГРАДНИНГ ОЛТИН ЮЛДУЗИ

(Бошы 1-бетда).

Бунчалик кўп вайронгарчилик келтирган ва бунчалик кўп қон тўкилган уруш, жуда кўп қурбон бериб қўлга киритилган бундай ғалаба инсоният йилномасида ҳали кўрилмаган эди. Бизнинг улуғ халқимиз ана шу жуда оғир синовга бардош берди, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолди. Октябрнинг ғалабаларини ҳимоя қилди, бошқа халқларни гитлерчилар асорати зулмидан қутқазди. Ленинградликлар зўр ифтихор ва тўла асос билан шу гапларни айта оладилар: бизнинг шаҳримиз унинг аҳолиси, унинг ҳимоячилари ана шу улуғ умумхалқ ишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ленинград ҳимоячилари ўзларининг қаҳрамонона кураши билан, жуда зўр ғайрат кўрсатиш ва қурбонлар бериш эвазига фашист агрессорларнинг Ленин шаҳрига ҳамласини қайтардилар. Уларнинг кураши Улуғ Ватан уруши кенг фронтининг бошқа участкаларидаги аҳволни ҳам енгиллаштирди. Ленинград остоналарида кўп босқинчилар ер тишлаб қолдилар. Ленинград остоналарида гитлерчи қўшинларнинг тор-мор қилиниши урушнинг шундан кейинги бутун оқибатига катта таъсир кўрсатди.

Ленинградликлар 900 кун давом этган блокада вақтида жонажон мамлакатнинг кучларига, душман устидан узил-кесил ғалаба қозонишимизга ҳамиша ишонар эдилар. Ана шу ишонч бўлмаганида, блокада кунларида шаҳрингизнинг бошига тушган ҳаддан ташқари оғир азоб ва уқубатларнинг ҳаммасига бардош бериш ижоби йўқ эди. Гитлерчилар томонидан Ленинградга ташланган ғалаларнинг ҳамласини тор-мор келтирган бундай мардлик, бундай енгилмас куч ва қудратли руҳ қаердан ҳосил бўлди? Бу куч ўз мамлакатининг, ўз бахтининг эгаси бўлган халқ ва партиянинг ишига, коммунизмнинг юксак идеаларига фидокорона содиқ бўлган совет кишисининг табиатидан келиб чиқади. Коммунистлар, синфий жангларда чиниққан Ленинград партия ташкилоти Ленинград мудофаасининг жони ва қалби бўлди. Ажойиб большевик Сергей Миронович Киров кўп йиллар мобайнида Ленинград партия ташкилотига етакчилик қилиб келган эди.

Бугун биз Ватан учун, халқ бахт-саодати учун, коммунизм учун жонларини фидо қилган Ленинград мудофааси қаҳрамонларининг порлоқ хотираси олдида бошимизни қуйи соламиз. Ленин шаҳрининг ҳалок бўлган ҳимоячилари хотирасини муносиб суратда абадийлаш—буюк, олижаноб иш, Ленинградликларнинггина эмас, балки бутун халқимизнинг ҳам ишидир.

Совет халқи узоқ кутилган, орзу қилинган ғалабани тўрт йиллик қонли жангларда қўлга киритди. Миллионларча қаҳрамонлар рўёбга чиқариш учун жонини фидо қилган ишлар амалга ошди. Жанг майдонларидаги каби ўзининг тинч меҳнатида ҳам қаҳрамонлик кўрсатаётган баҳодир халқимиз ўзининг она-Ватанини урушнинг оғир жароҳатларидан даволади, Ватанни янги ҳаёт учун оёққа бостирди.

Техника революцияси ва кишиларнинг онгини янги, коммунистик тарзда тоблаш шароитида ўз қўлларини ва вазифалари жиҳатидан мисли кўрилмаган ҳажмда мамлакатимизнинг ҳамма қисмида авж олдириб юборилган ишда Ленин шаҳри, қаҳрамон шаҳар аввалгидек ҳозирда ҳам ўзининг шонли традицияларига содиқ бўлиб қолмоқда. Ҳозирги Ленинград мамлакатдаги техника тараққиёти, илм-фан ва маданий тараққиётнинг байроқдорларидан бириди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, халқ хўжалигимизнинг, маданиятимизнинг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш ва совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу масалалар партиямиз Марказий Комитети сўнгги Пленумларининг — Октябрь, ноябрь (1964 йил) ва шу йилги март Пленумларининг ишида асосий ўринни олди. Марказий Комитет ҳозирги вақтда хўжалик қурилишининг формалари ва методларини қадам-бақадам такомиллаштира боришни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Халқ Марказий Комитет март Пленумининг қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олганлиги ва бу қарорлар қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ғайрат ташаббусини ғоят ошириб юборганлиги тўғри йўлда турганлигимизни исбот қилади. Саноатимизда ҳам ҳал этилмаган масалалар кўп. Марказий Комитет Президиуми Марказий Комитет Пленумини ўтказиб, бунда саноатимизнинг ишига таллуқли масалаларни муҳокама қилиш ниятидадир. Бундан мақсад-саноатнинг янада муваффақиятли ривожланишини ва бутун халқ хўжалигида техниканинг жадал тараққий эттирилишини таъминлашдир.

Л. И. Брежнев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш масалаларига тўхталиб ўтди ва бу санага тайёргарлик совет халқининг революцион традицияларини янада ривожлантиришга ёрдам бериши тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим, деб таъкидлади.

Нотиқ халқаро проблемаларга тўхталиб айтдики, Совет Иттифоқи империалистларнинг агрессия ва уруш сиёсатига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун кураш принципларига содиқдир. Биз халқаро кескинликни юмшатиш тарафдоримиз ва бунга ҳамиша интилаверамиз, деди Л. И. Брежнев, аммо бизнинг мамлакатимиз Совет давлатининг хавфсизлигига қилинадиган ҳар қандай ҳамлага қатъий зарба беришга тайёрдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Ҳукумати номидан шу ерда ҳозир бўлган кишиларни ва улар орқали улуғ Ленин шаҳри гражданларини юксак мукофот билан табриклади.

БУ ЖАСОРАТ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

ВОЛГА БЎЙИДАГИ ШАҲАРДА БАЙРАМ

ВОЛГОГРАД, 11 июль. (**ТАСС махсус мухбири**). Волга бўйидаги шаҳарнинг номи жаҳондаги барча халқлар учун жасорат, мардлик ва қаҳрамонлик рамзи, озодлик ва мустақиллик учун кураш намунаси бўлиб қолди. Волгоград шаҳрининг меҳнаткашлари Ватан олдидаги хизматлари учун, немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган курашда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун ҳамда совет халқининг 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасини нишонлаш юзасидан бу қаҳрамон шаҳар Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланган эди.

Волгоград аҳолиси учун катта шодиҳуррамлик. Шаҳарнинг кенг ва чиройли кўчалари ҳамда майдонлари байрам либосини кийган.

Волгоград шаҳри ва области меҳнаткашларининг вакиллари 11 июль кечқурун қаҳрамон шаҳарга юксак мукофотлар топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда қатнашиш учун драма театрига тўпланишди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинни, область ва шаҳар партия, совет ташкилотларининг раҳбарларини, Совет Иттифоқи маршаллари А. И. Еременко, В. И. Чуйковни, Сталинград жангининг қатнашчиларини, чет эллик меҳмонларни самимий кутиб олдилар.

Тантанали йиғилишни Волгоград область партия комитетининг биринчи секретари А. М. Школьников очди.

Самимий кутиб олинган ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади. Ўртоқ А. Н. Косигин партия Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириувига биноан, шаҳар ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техникларини, фан ва маданият ходимларини, уруш ва меҳнат ветеранларини юксак мукофот билан қизғин табриклади ва уларга социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатларида янгиданянги муваффақиятлар тилади.

Шаҳарнинг кейинги ярим асрдаги тарихи, деди А. Н. Косигин, маълум даражада бутун Совет давлатининг тарихидир. Бу ерда, Россиянинг ичкарисида, улуғ рус дарёси — Волга соҳилларида янги ва эски дунё кучлари икки марта жанг қилган эди. Бу ерда мамлакатнинг тақдири, унинг революцион ғалабаларининг тақдири икки марта ҳал этилган эди.

Советлар Республикаси интервентлар ва оқ гвардиячиларнинг армиялари томонидан тамомила куршаб олинган бир орол бўлган давда, Царицин революция душманларининг йўлини тўсган, енгилмас, қалъа бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, Царицин Улуғ Октябрь ғалабаларини сақлаб қолишда жуда катта роль ўйнади. Ўша вақтда шаҳарнинг ишчилар синфи революция олдидаги буюк хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди.

Авлодлар хотирасидан кўп нарса кўтарилиши мумкин. Аммо, Сталинград мудофаасининг қаҳрамонона кунлари шуҳрати ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Сталинград шундай бир тарихдирки, бу тарих ўтмишда қолиб кетмайди, балки кундалик ҳаётимиз ва курашимизга ёрдам бераверади. Шу сабабли, бу тарих саҳифаларига ҳамиша мурожаат қилиб туришга тўғри келади. Ғалабамизнинг улуғворлигини равшан тушуниб олмоқ учун, тарихдаги ана шу энг буюк жангнинг ролига тўғри баҳо бермоқ учун шундай қилиш керак. Бу — ёшларимизни совет халқининг энг яхши қаҳрамонона традицияларига руҳида тарбиялаш учун айниқса зарурдир.

А. Н. Косигин жаҳон тарихида тенги бўлмаган ана шу буюк жангни характерлаб берди. Бу жангнинг айрим боскичларида ҳар иккала томондан 2 миллионга яқин киши қатнашди. Фашистлар Германияси Сталинград жанги вақтида совет-герман фронтида ҳаракат қилган барча армияларининг тўртдан бир қисмидан кўпроғидан маҳрум бўлди, фашистлар Германияси бу ерда шундай қақшатғич зарба еди, бу зарба унинг узил-кесил мағлубиятга учраши учун кўп жиҳатдан замин тайёрлаб қўйган эди. Ҳозирги замон буржуа сохтакорлари тарихни бузиб кўрсатишга ҳар қанча уринсин кўрмасинлар, Волга бўйида немис-фашист қўшинларининг тор-мор қилиниши иккинчи жаҳон урушидаги энг катта ҳарбий-сиёсий воқеа бўлганлигини эътироф этишга мажбурдирлар.

Совет Армиясининг жуда кўп жангчилари Волга дарёси соҳилларида мислсиз зўр жасорат кўрсатдилар. Шаҳарнинг бутун аҳолиси уни мудофаа қилишда қатнашди. Ўт ичида қолган шаҳарда, шиддатли жанглар бўлиб турган районлардан бир неча қадам нарида одамлар қўшинларга қуролярог ва ўқ-дори етказиб бериш учун тинимсиз ишладилар.

Кеча Ленинградда тантанали йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда ўртоқ Л. И. Брежнев қаҳрамон Ленинград шаҳрига «Олтин юлдуз» медалини топширди. Волгоград меҳнаткашлари бу кун бутун мамлакат билан биргаликда улуғ Ленин шаҳрини самимий қутладилар, муборакбод қилдилар ва бу шаҳарнинг тинч меҳнатда янги шонли муваффақиятларга эришувини тиладилар. Бутун мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Волга бўйидаги ғалабамизга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Кишиларимизнинг — ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг, эркак ва хотинқизларнинг кўрсатган қаҳрамонлигига бир неча сўз билан баҳо бериш ижоби йўқ. Ана шу жуда оғир шароитларда халқимиз намоён қилган ҳаётбахш куч социалистик тузумнинг афзалликларини исбот этувчи энг яхши далилдир.

Барча ғалабаларимиз каби Волга бўйидаги ғалабамиз ҳам, деб таъкидлади А. Н. Косигин, Коммунистик партиянинг буюк ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган. Коммунистлар қаҳрамонона мудофаанинг етакчи кучи бўлдилар. Улар биринчи бўлиб ҳужумга отландилар, «Бир қадам ҳам орқага қайтиш йўқ» деган шиор остида курашиб, жонажон еримизнинг ҳар метрини ҳимоя қилдилар.

Сталинград жанги Совет Иттифоқининг тарихи билангина боғланиб қолган воқеа эмас. Бутун дунёдаги прогрессив кишилар учун ана шу рус шаҳри илғор идеяларни ҳимоя қилиш рамзи, тараққиёт учун, халқларни фашизм асоратидан қутқазиш учун кураш намунаси бўлиб қолди.

Жаҳон уруши бутун империализм системасини ларзага келтирди. Кўп мамлакатларнинг меҳнаткашлари капиталистик тузумни рад этдилар ва социализм йўлига ўтдилар. Бошқа кўп давлатлар миллий мустақилликни курашиб қўлга киритдилар ва империалистларнинг бу мамлакатларга ўз ҳоҳишларини мажбуран қабул қилдириш, уларни қўлга олиш йўлидаги уринишларига қарши ўз миллий мустақилликларини зўр бериб ҳимоя қилмоқдалар.

Зўравонликка ва тазйиқ кўрсатишнинг ўтакетган методларигагина ишонаётган империалистик доиралар шу тарика уринаётганликларини ва бундан буён ҳам уринаётганликларини эътиборга олишимиз лозим.

Бу ерда, Волгоградда, Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятига қандай эътибор бераётганлигимиз тўғрисида гапириб ўтиш ўринлидир. Партия Марказий Комитети билан Совет ҳукумати яқинда мудофаа саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Ҳозирги кунда бизнинг ҳарбий саноатимиз халқаро вазият ва ҳарбий ишнинг ҳозирги тараққиёти тақозо этган даражада турибди. Бизнинг мамлакатимиз ҳар қандай тасодифларга қарши шайланиб турибди, аммо, пухта ўйланмаган, авантюристик сиёсат бизга ётдир. Совет Иттифоқи ўзи танлаб олган йўлга қаттиқ амал қилади, иғвогарларга ва империалистларнинг агрессив доираларига қатъий зарба беради ва айни замонда уришқоқлик йўлига ўтиб кетадиган кишиларга тақлид қилмайди.

Бизнинг ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча проблемаларимиз бор. Бу проблемаларни ҳал этиш, иқтисодий ва социал тараққиётимизни олга бостиришни таъминлаш учун тинчлик керак. Совет кишилари шунга аминдирлар-ки, халқлар ўртасидаги тинчлик, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши барча халқларнинг манфаатларига тамомила мувофиқдир.

Империалистик реакция ҳаддидан ошиб бораётган ҳозирги шароитда, империализмга қарши курашда сўзда эмас, балки амалда бирликни истаётган антиимпериалистик кучларнинг ҳаммасини бирлаштириш зарур. Ҳарбий авантюраларга қарши қатъий ва актив кураш олиб бориш халқларни янги жаҳон урушига қатъий халақит берадиган ғовни вужудга келтира олувчи қудратли армия қилиб бирлаштиради.

Бизнинг мамлакатимиз, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи, сўзини давом эттириб, экономикани сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилган даврга қадам қўйди. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун принципиал аҳамиятга эга. Пленум ўртага қўйган масалалар ҳозир ҳам партиянинг диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитети билан Министрлар Совети Пленум қарорларини амалга ошириш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрмоқдалар.

Саноатдаги бир қанча етилган масалаларни ҳал қилиш юзасидан амалга ошириладиган ишларга навбат келди. Бизнинг саноатимиз юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1964 йилги октябрь Пленумидан кейинги даврда экономикамизга субъектив таъсир ўтказишга барҳам бериш, барча тармоқларда ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиб бериш юзасидан партия кўрган чоралар саноат ишини маълум даражада яхшилаган муҳим сабаблардан бири бўлганлиги шубҳасиздир. Бундан буён тез юксалиш мумкинлигига бизнинг ишончимиз комил. Барча масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун бир қанча маъмурий ва иқтисодий тадбирларни кўришнинг ўзи кифоя қилмайди, шу билан бирга, бу тадбирлар ташаббускорлик билан аниқ ижро этилиши ҳам керак.

Совет кишилари ҳали жуда кўп зарур ишларни бажаришлари, кўп нарсаларнинг ғамини ейишлари лозим. Биз ҳозирги вақтда ҳам қийинчиликларни бартараф этишга мажбур бўлмоқдамиз. Лекин Ленин партияси раҳбарлигида ги халқнинг фидокорона меҳнати олдида бу қийинчиликлар чекиниб бормоқда.

Партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати, деди пировардида А. Н. Косигин, ўз шаҳрининг традицияларига содиқ бўлган Волгоград меҳнаткашлари совет халқи олдида турган катта-катта вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонадилар.

А. Н. Косигиннинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва неча марталаб қарсаклар билан бўлиниб турди.

А. Н. Косигин СССР Олий Совети Президиумининг Волгоград-га қаҳрамон шаҳар унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилиши тўғрисидаги ёрлиғи текстини ўқиб эшиттирди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топширувига биноан, А. Н. Косигин фахрий ёрлиқни абадий сақлаш учун шаҳар делегациясига топширди ва сўнгра Волгоград байроғига Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медалини қадаб қўйди.

Залда кучли қарсаклар бошланади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига, қаҳрамон шаҳар ва унинг шонли ҳимоячилари шарафига табрик хитоблари янграйди.

* * *

Волгоград шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Шитов минбарга чиқади. У, Волгоград аҳолиси номидан юксак мукофот учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради. Бу мукофотни, деди у, биз Улуғ Ватан уруши йилларида немис босқинчиларга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган Совет Армияси жангчиларига партия билан Совет ҳукумати илтифотининг тимсоли, деб биламиз.

Мажлисда 62-армиянинг собиқ қўмондони Совет Иттифоқи маршали В. И. Чуйков, Совет Иттифоқи маршали А. И. Еременко, Сталинград жангининг қатнашчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. М. Числов, бинокорлар бригадасининг раҳбари С. А. Данилов, медицина институтининг профессори С. Н. Касаткин, политехника институтининг студенти Светлана Дмитриева нутқ сўзладилар.

Чехословакиядаги Острава шаҳри Миллий комитетининг раиси Иозеф Кемпни волгоградликларга қардошлик саломи топширди.

Тантанали мажлис қатнашчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига мактуб қабул қилдилар.

ХЕЛЬСИНКИДА ТИНЧЛИК КОНГРЕССИ

ХЕЛЬСИНКИ, 10 июль (ТАСС). Бугун маданият уйида тинчлик, миллий мустақиллик ва яшн қуролсизланиш учун курашга бағишланган жаҳон конгресси очилди. Беш қитъанинг вакиллари империалистларнинг Вьетнам, Доминикана Республикасидаги, Конгодаги ва ер юзининг бошқа бир қанча районларидаги ҳаракатлари натижасида халқаро вазият анча кескинлашган бир пайтда Финляндия пойтахтига тўпландилар. Тинчликни ёқлаб чиқаётган барча кучларнинг бирлигини мустаҳкамлашга эришиш ғоят муҳим вазифа бўлиб турибди. Делегатлар бу конгресс урушга қарши барча кучларни жипслаштириш ва уларнинг ҳаракатларини кучайтириш ишига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонадилар.

Конгресс тайёргарлик комитетининг таклифига мувофиқ, конгресснинг ишида қатнашаётган ҳар бир миллий делегациянинг вакиллари, жаҳон тинчлик кенгашининг аъзолари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари бир овоздан президиумга сайланади.

Карнайлар чалинади. Делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб, Финляндия давлатининг бошлиғи президент У. К. Кекконенни табриклайдилар. Ҳурматли меҳмонлар орасида Финляндия Бош Министри И. Виролайнен, ташқи ишлар министри А. Карьялайнен, ички ишлар министри Н. Рюхтялар бор.

Раислик қилувчи профессор Жон Бернал Финляндия президентини, конгресснинг бошқа ҳурматли меҳмонлари ва делегатларини самимий табриклайди.

Финляндия миллий тайёргарлик комитетининг раиси, парламент депутати В. Свинхувуд минбарга чиқади. Финляндия тинчлик тарафдорлари деди у, жаҳон тинчлик кенгашининг тинчлик форумини Хельсинкида ўтказаётганлигидан бахтиёрдирлар. Финляндиянинг, деб сўзини давом эттирди В. Свинхувуд, фин халқи кенг доираларининг орзу-тилакларини ифода этаётган тинчликсеварлик йўли бу мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг ҳамма соҳаларида ва, жумладан, Совет Иттифоқи билан ўзаро муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларининг амалга оширилаётганлигида ўз аксини топмоқда. Бизнинг СССР билан чегарамиз, деб таъкидлади у, чинакам тинчлик чегарасига айланди.

В. Свинхувуд конгресснинг ишига муваффақият тилаб фин халқи номидан раис болгачасини конгресс президиумига совға қилиб тақдим этди.

Бош министр И. Виролайнен конгресс делегатларини Финляндия ҳукумати номидан табриклайди. Бош министр қуролланиш пойгаснинг давом эттирилаётганлиги инсониятга жиддий хавф туғдираётганлигини таъкидлади. Шундан кейин, маҳаллий урушлардан жаҳон урушининг бошланиб кетиш хавфи борлигини кўрсатиб, Виролайнен бундай деди: жаҳонда тинчлик йўлида фаол ишлашни истаётган миллионларча кишиларнинг борлиги қувончли бир ҳолдир. Бундай кишиларнинг миқдори доим ортиб бормоқда, аҳолининг тобора кенг доиралари тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қўшилмоқда.

Финлар орасида, дейди Бош министр, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги тинч тотув яшаш ва яхши қўшничиликнинг рамзи сифатида Хельсинкида тинчлик монументи қуриш фикри пайдо бўлди. Биз урушдан кейинги йилларда тинч-тотув яшаш сиёсатининг ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши мамлакатимиз учун берган жуда катта ижобий натижаларга нақадар юксак баҳо бераётганлигимизни кўрсатиш учун шундан ҳам фойдаланишни истаймиз. Ҳозирги пайтда ана шу олижаноб ташаббусни рўёбга чиқариш учун фин жамоатчилиги вакиллари комитети тузилмоқда.

Бош министр сўзини давом эттириб, бундай деди: жаҳондаги барча халқлар ўртасида дўстона ҳамкорлик ўрнатиш-тинч-тотув яшашнинг мақсадидир. Шу сабабли, мен фин халқининг тинчлик монументини вужудга келтириш ташаббусини эълон қилиш учун жаҳон тинчлик конгрессини жуда ҳам муносиб минбар, деб ҳисоблайман. Бу монумент ҳозир очилаётган конгресснинг номида ўз ифодасини топган барча асосий фикрларнинг рамзи бўлади.

Ҳайкалтарош Эсси Ренвал тайёрлаган монумент лойиҳасини, дейди Виролайнен, конгрессга тақдим этишга ижозат бергайсиз.

Худди шу пайтда миллий фин либосидаги қизлар концерт залининг деворидаги катта фотография ёпилган пардани туширадилар. Бу фотографияда ер юзида тинчлик рамзи бўлган аёлнинг сурати тасвирланган. Залда гулдурос қарсаклар бошланади.

Жаҳон тинчлик кенгашининг президенти Жон Бернал сўз олади. Жон Бернал бетоблиги сабабли, ўтирган жойида нутқ сўзлайди.

Жаҳон тинчлик конгресслари ўтказилган оғир йиллардаги халқаро вазият, деди Бернал, кўп марта жиддий ва мураккаб бўлган эди, лекин бу вазият ҳеч қачон ҳозирги пайтдагидек кескин тус олмаган эди. Биз дарҳол ҳаракат қилишни талаб этаётган проблемаларни ҳал қилишимиз лозим. Ана шу проблемаларнинг энг биринчиси Вьетнам проблемасидир. Вьетнам америка империализми олиб бораётган шафқатсиз агрессив урушнинг қурбони бўлди. Бу уруш жаҳон ядро урушига айланиб кетиши мумкин.

Профессор Бернал сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: қуролли куч ёрдамида ер юзининг истаган ҳар бир қисмида ўзига мақбул ҳукуматни ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблаётган АҚШ ҳукуматининг фикрлари жаҳон жамоатчилиги учун мақбул эмас. Аммо, америка империализмининг моҳияти шундан иборатки, у, жаҳонининг ҳамма қисмида янги мустамлакачиликнинг авж олишига ёрдам бермоқда, ўзининг ҳарбий базаларини вужудга келтирмоқда. Бунга чек қўйилмас экан, халқаро тинчлик ва осойишталик хавф остида қолаберади.

Конгрессда турли-туман фикрдаги кишилар бор, деди яна профессор Бернал, конгресс делегатлари орасида АҚШнинг позициясини қўллаб-қувватлайдиган бирорта киши топилмаса керак, деб ўйлайман. Американинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйишимиз, халқларнинг бу агрессияга самарали қаршилик кўрсатишини ташкил қилишимиз керак.

Сўнгра, нотиқ Вьетнам масаласи конгресснинг ишида энг муҳим масала бўлажагини таъкидлаб, бундай деди: конгрессинг кун тартибида уруш ва тинчликка таллуқли бошқа бир қанча энг муҳим масалалар ҳам бор. Бу масалалар ўзаро маҳкам боғланган. Ана шу масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун, деб уқтириб ўтди Бернал, аввало, бирлик бўлиши зарур.

Профессор Бернал сўзининг охирида бетоблиги сабабли, жаҳон тинчлик кенгаши президенти вазифасидан бўшашга мажбур бўлганлигини айтди.

Қисқа танаффусдан кейин конгресс делегатлари конгресснинг иш тартиби тўғрисида тайёргарлик комитетининг докладини тингладилар. Конгрессинг ғоят кўпчилиги бу докладни маъқуллади.

ЧЕТ ЭЛЛИК ЁЗУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Осиё ва Африка мамлакатлари новеллачиларининг Москвада ўтказилган халқаро семинарига қатнашган чет эл адибларидан бир группаси Тошкентга келди. Булар орасида ўн бир мамлакатдан келган ёзувчилар бор.

Меҳмонлар 12 июлда шаҳар бўйлаб сайр қилдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар 14 Туркистон комиссари ёдгорлиги ёнида бўлдилар, Чилонзордаги уй-жой массивини зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Шу куни чет эллик ёзувчиларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси О. С. Содиқов қабул қилди.

Меҳмонлар бир неча кун давомида республика меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишадилар, Самарқандда, Фарғонада, Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги совхозларда бўладилар.

(ЎзТАГ).

МАШИНАЛАРИМИЗ КАРВОНИ

Корхонамиз коллективи пахтакорлар меҳнатини тагин ҳам енгиллатиш ниятида ғайрат ва шижоат билан ишлаяпти. Ҳар куни завод бош конвейеридан 26-27 тадан ХТ-1,2 осма пахта териш машинаси тушаяпти. Утган олти ой давомида шундай машиналарнинг 3950 таси қишлоқлар томон йўл олди.

Заводимизда асосий иш 22-цехда бажарилади. Цех коллективи бошқа участкалардан келтирилган қисм ва узелларни йиғади. Машина тайёр ҳолда бу ердан юриб чиқиб кетади. Бу ерда барча ишни механизациялар бажаради. Кўтарма кранлар деталларни жой-жойига қўйиб беради. Монтажчилар эса уларни ҳеч қийналмай йиғишаверишади. Ҳозир цех бўйича 22 та коммунистик меҳнат бригадаси ишлаяпти. Уларнинг иши сифатли. Сон ва сифат учун курашда Орипов, Лисицин, Миртьцев ўртоқлар бошлиқ участкалар олдинги сафларда бораяпти. Улар ҳар сменада 10 тадан «зангори кема»ни қўлдан чиқармоқдалар. Шундай пешқадамлар ғайрати билан ярим йиллик планни муддатидан олдин адо этиб қўйдик. Ҳозирги пайтда мавжуд ХТ-1,2 пахта териш машинаси сафига яна бир неча хил серунум агрегатлар қўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Экспериментал цехи конструкторлари «17-ХВ-1,8» маркали «зангори кема»нинг дастлабки бир неча донасини колхозлар учун жўнатдилар. Янги агрегат тўрт эгат бўйлаб ҳаракат қилади. У пахтани ғоятда сифатли қилиб теради. ХВ-12 маркали иккинчи конструкциядаги машина эса ХТ-1,2 га нисбатан анча енгил ва ихчам. Ҳаракати тез унинг. Утган олти ой давомида бундай машиналардан ўнтаси тайёрланди.

Завод аҳли етти йилликнинг сўнгги йилида саккиз мингта пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Йиллик планни муддатидан олдин бажариб планга қўшимча равишда яна 25 та ХТ-1,2, машинасини тайёрлаб қишлоқлик дўстларимизга ҳадя этишга аҳд қилганмиз.

Х. ХАЙДАРОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

ЁЗ ГАШТИНИ СУРАЁТГАНЛАР

Сойлиқ қишлоғининг сўлим мевазор боғларидан бирига жойлашган лагерь Тошкентдаги 8-мактаб-интернатда тарбияланувчилар ихтиёрига берилган. Тошдантошга урилиб оқаётган зилол сувлар кишига ором бахш этади.

Лагерда ўтган йили 320 ўғилқиз мириқиб дам олган эди. Ҳозир биринчи сменада 130 бола ҳордиқ чиқармоқда. Бу ерда улар учун ҳамма шароит мавжуд. Футбол, волейбол, адабиёт, бичиш-тикиш, дурадгорлик, шахмат-шашка, радио, кемасозлик каби тўгаракларр ишлаб турибди.

Дам олувчилар драма тўгараги аъзоларининг «Синфда» ҳамда қўғирчоқ театри қатнашчиларининг «Мошнинг уйи» спектаклари ҳаммага маъзур бўлди.

Қизиқарли ўйинлар ҳамда вақти-вақти билан уюштирилаётган экскурсия ва походларга бош пионер вожатий Малика Усмонова раҳбарлик қилмоқда. Ўқувчилар отряд плани асосида «Қора-қия», «Оқтош», «Қизил Сув», «Хумсон» каби жойларга экскурсияга бориб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўргандилар ҳамда гербарий-коллекциялар тўпладилар.

Биринчи синфни аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчилардан Лола Иногомова, Альфия Ҳасанова, Абдужалил Исамуҳамедовлар ўзларининг ўйин, ашулалари билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти.

Буларнинг ҳаммаси — ёш авлодни ўқиши ва камол топиши, бахтиёр болалик гаштини суриши учун Коммунистик партия ва Ҳукуматимизнинг тинмай қилаётган ғамхўрлигидан далолат беради.

Э. ТУЛАГАНОВ.



В. И. Ленин номли Олтинтопган кон-металлургия комбинати коллективи яқинлашиб келаётган металлургларнинг куни байрамини меҳнатда ажойиб ғалабаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқда. Корхонада барча операцияларни механизмлар бажаряпти. Янги техника ва технология комбинат меҳнатига шуҳрат қўшмоқда. Суратда: комбинат қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси пролётларининг бирини кўриб турибсиз.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МОЛ ТЎҚ—ГЎШТ, СУТ МЎЛ

Қиш ғамини ёзда е, дейди, халқимиз. Ҳақиқатан ҳам бу тўғри гап. Ёзи билан қишга пухта тайёргарлик кўрган киши ютқазмайди, ютади. Қишда хотиржам юради. Қишни ўйлаб иш тутган чорвадор янги-янги марраларни қўлга киритади. Мол туёғи кўпаяди. Чорва қишдан нобуд бўлмай, соғлом чиқади. Гўшт, сут ҳам ёздагидек кўп бўлади.

Биз ҳам чорва моллари маҳсулотини муттасил равишда ошира бориб ўз касбимизни сидқидиллик билан оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Молни семиртириб боққанинг қозони мойга, ҳамёни пулга тўлади.

Бригада аъзолари билан партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорларини муҳокама қилиб чиққанмиз. Чорвадорлар Пленум қарорларини чин юракларидан маъқулладилар.

Биз илғорлардан ўрнак олиб, чорва моллар озуқасини кўпайтиришга қатъий бел боғладик. Бутун куч ва эътиборимизни кўпроқ чорва озуқаси етиштиришга қаратдик. Маълумки, бу йил ёғингарчилик кам бўлди. Яйловларимизда ўт йўқ. Шуларни ҳисобга олиб, сувли ерларга кўпроқ экин экиш чораларини кўрдик. Бу ёмон бўлмади. Қисқа вақт ичида 66 гектар ерга маккажўхори, 20 гектар ерга арпа уруғи сепдик. Биз маккажўхори ва арпани парвариш қилишни кучайтириш билан бир қаторда бедазорларимизни ҳам эсдан чиқариб қўймадик. Унинг ён атрофларидаги ариқларни тартибга келтириб вақти-вақти билан қондириб суғоришга эришдик.

Колхоз правлениеси бригадамизга яқиндан ёрдам бермоқда. Учта юк машинаси биркитиб қўйилди. Учта «ИТЗ-20» трактор, битта хашакни ғарамга чиқариб берадиган кўтарма кран берилди. Шунингдек иккита от косилкаси ва иккита грабли бизнинг ихтиёримизга топшириб қўйилди. Бригадамизда турли касб кишилари бор. Шу сабабли ҳам машиналарни ремонт қилиб туришда четдан ёрдам сўрамадик. Бу харажатларнинг камайишига олиб келди. Молхоналарни ремонт қилишда ҳам правлениега бормадик. Бригадамизнинг ишчан аъзоларидан ҳисобланган дурадгор Т. Богданов, Анвар Бобоев ўртоқлар молхоналарни ремонт қилишиб, топшириқни аъло даражада бажаришяпти.

Бригадамиз аъзолари чорвачилик фермасига керакли бўлган ҳамма нарсани ўзлари шу ернинг ўзида етиштирмоқдалар. Ҳар бир иш бригада аъзоларига тақсимланиб берилган. Нурмат Йўлдошев бригадамизнинг моҳир сувчиларидан бири ҳисобланади. У бошқалар каби тинмай ишлайди. Қачон қараманг далада. Маккажўхорини суғоради. Кейин бедапояга ўтади. Бу ишни дўндираб қўйгандан кейин пичан ўрувчиларга яқиндан ёрдам беради. Бизда кишиларга ғамхўрлик қилиш, моддий рағбатлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Ҳар 15 кунда аванс пуллари берилиб турибди. Правление билан тузилган шартномага мувофиқ гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш, беда, силос тайёрлашда белгиланган йиллик план бажарилгач, нормадаги 100 процент-ҳақ меҳнат кунларига тўла тақсимланади. Бундан ташқари пландан ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг 50 проценти ҳам бригада аъзолари ўртасида мукофот тариқасида тақсимланади.

Биз социалистик мусобақа асосида ишлаб маҳсулот етиштиришни ой сайин кўпайишига эришмоқдамиз.

Деҳқонларимиз баракали меҳнат қилиб маккажўхорини 4 марта қондириб суғордилар. Бу эса кенг майдонларда мўл ҳосил етиштиришидан дарак бериб турибди. Маккажўхорининг сўта олиши яхши. 15 июлдан кечикмай силос қилишга киришамиз. Ҳозир тайёргарлик ишларини қизғин олиб бораяпмиз. Силос босиладиган траншеялар тайёрланиб қўйилди. Минора ремонтдан чиқарилди.

Биз 20 гектар арпанинг ярмисига беда уруғи аралаштириб экдик. Арпамиз ёмон бўлмади. Ҳар гектар ердан 10 центнердан ҳосил олдик. Арпани тез ўриб олиб ўрнига маккажўхори экдик. Ҳозир янги экилган маккажўхорининг бўйи бир қаричдан ортиб қолди. Буни эса биз октябрь ойида ўриб олиб, унинг бир қисмини сигирларга берамиз, бир қисмини эса силос қиламиз.

Бригада аъзолари барча имкониятларни ҳисоблаб чиқиб 1850 тонна силос, 750 тонна дағал хашак тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу кунгача 350 тоннадан зиёдроқ хашак тайёрлаб қўйдик. Бедага яхши қараганлигимиз сабабли иккала ўрим баракали бўлди. Гектаридан 65 центнердан ҳосил олдик. Бундан кўринриб турибдики, келгуси учинчи, тўртинчи ўримдан ҳам олинадиган ҳосил чакки бўлмайди. Пландаги 85 ўрнига 100 центнердан қуритилган беда пичани олишни асосий мақсад қилиб қўйдик. Бу соҳада ўроқчи Дилижон Умаралиевнинг хизматларини айтиш ўринлидир. Ўринбой Нурматов ҳам ғайрат кўрсатмоқда. У кунига 6 тоннадан бедани ташиб, топшириқни ошириб бажаряпти.

Умуман, шу кунларда дала ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳар кунига 10—15 тоннадан хашак тайёрлаяпмиз. Биз ўтган йилга нисбатан 30 процент кўп хашак жамғаришга қарор қилдик. Шу мақсадда бригадада ишчи кучлари яна 25 кишига кўпайтирилади.

Биз ариқ, зовур атрофларидаги янтоқ, қамиш, ялпизларни ҳам йиғиштириб оляпмиз. Баъзи кишилар ялпизни мол емайди деб даъво қилишади. Бу нотўғри. Биз ялпизни ўриб олиб қуритамиз. Кейин хашак қирқадиган машинада майдалаб, уни 60—70 градус иссиқликда буғлантирамиз. Шундан кейин ялпизга озроқ концентрат қўшамиз. Сўнгра молга берамиз. Мол жуда яхши иштаҳа билан ейди. Этига-эт қўшилади, сути ҳам кўпаяди.

Қамиш тайёрлашдаги тажрибамизни ҳам ўртоқлашмоқчиман. Бизда бу ўсимликдан анчагина бор. Уни ўриб олиб силос билан аралаштирамиз. Маккажўхори поясидаги сут кислотаси қамишга таъсир қилади. Қамиш поялари қисқа вақт ичида юмшоқ бўлиб қолади. Мол нишхўрд чиқармайди, иштаҳа билан ейди.

Юқоридаги ишларнинг барчаси сут ва гўшт етиштиришни арзонлаштиришга сабаб бўлмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаси биз чорвадорларнинг эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмаяпти. Амалий ёрдам ўрнига кўпинча қуруқ ваъдалар олаяпмиз. Биз бирлашма раиси ўртоқ И. И. Камболодский адресига кўплгина талабномалар ёздик. Лекин ҳали ҳам хашак ўрадиган машинанинг шестеренкаси, хашакни машина устига чиқарувчи труба етказиб беришни сўраган бир қатор талабномамиз оқибатсиз ётибди. Бирлашма ходимларининг масъулиятсизлик билан ишлашлари орқасида шу вақтга қадар хашак тайёрлаш цехи ҳам қуриб берилгани йўқ.

Бирлашма ходимлари ишдаги бундай камчиликларни дарҳол тугатишлари керак. Улар чорвадорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тезда қондириб чорвачиликни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари лозим.

Биз чорва қишловини бекамиқўст кутиб олиш юзасидан конкрет мажбурият қабул қилганмиз. Ҳалол меҳнат қилиб ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажарамиз. Ем-хашакни чорва молларига етадиган даражада жамғарамиз. Бу КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажариш ишига қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Маъмур ТУРҒУНБОЕВ,
Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхознинг комплекс чорвачилик бригадаси бошлиғи.

БОЛА ТАРБИЯСИ УМУМХАЛҚ ИШИ

КОЛЛЕКТИВ — КАТТА КУЧ

Коммунистик партия ёшларимиз тарбиясига ҳозирги кунинг энг муҳим масалаларидан бири деб қарайди. Ёшларимизда коммунистик жамият кишиси ахлоқий сифатларини тарбияламасдан, шунингдек уларнинг ҳартомонлама ғармоник ўсишини таъминламасдан туриб, коммунистик жамиятнинг нурафшон биносини қуриш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг коммунистик тарбияси фақат халқ маорифи ходимлари, мактабнинггина иши бўлмай, умумжамоатчиликнинг ҳам фахрли вазифаси бўлиб қолди.

Ҳозир ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида ота-оналар комиссияси ишлаб турибди. Бу комиссиялар мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилаш, шунингдек ишчи, инженер-техник ходимлар ўртасида педагогик пропаганда ишларини олиб боришда ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Тошкент 1-пойафзал фабрикасида ташкил этилган ота-оналар комиссиясининг иш фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Комиссия фабрика партия ва касаба союз ташкилотлари ёрдамида ишчи ва хизматчиларнинг болалари қандай ўқиётганларини, уларнинг интизоми қандай эканлигини ўрганиб чиқди.

Шундан сўнг фабрика ота-оналар кенгаши ўтказилди. Кенгашда болаларнинг ўқиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилди. Шунингдек, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулияти ва касаба союз ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад тингланди. Ўқув йили давомида 3 тадан «2» баҳо олган болаларнинг ота-оналари қаттиқ танқид қилинди. Айрим кишиларнинг бола тарбиясига лоқайдлик билан қараётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Касаба союз ташкилоти ва комиссиянинг юқоридаги каби ишлари ўзининг самараларини кўрсатмоқда. Дарсдан оқсаётган кўпчилик болалар синфдан-синфга муваффақият билан ўтмоқдалар.

Фабрикада ота-оналар лекторийси ҳам бор. Лекторийда бола тарбиясининг энг актуал масалаларига бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Бу суҳбатларни кўпинча шу соҳанинг мутахассислари, тажрибали педагоглар олиб борадилар.

Кейинги йилларда маҳалла комитетлари, уй бошқармалари, кварталлар комитетлари ҳам тарбия соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилмоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида пойтахтнинг Урицкий кўчасидаги 29-ҳовлида шу соҳада олиб борилаётган ишларни келтиришимиз мумкин.

Мазкур ҳовлида ота-оналар комитети ташкил этилган. Унга пенсионер Ф. Юнусов бошчилик қилади. Комитет бу ерда турувчи 50 дан ортиқ турли миллат болалари ўртасида тарбиявий ишлар олиб боради.

Ҳовлида болалар учун иккита ёзлик ва битта қишлик павильонлар бор. Улар навбатчи ота-оналар ёрдамида дарс тайёрлайдилар, турли ўйинлар ўйнайдилар, жамоатчилик асосида ташкил этилган кутубхонадан китоблар олиб ўқийдилар.

Чилонзор районидаги 2-Чарҳкамолон маҳалласида А. И. Левентуева бошчилигидаги ота-оналар активи ташаббуси билан Пионер уйи очилди. Маҳалла болалари бу ерга тўпланиб, фойдали ишлар билан машғул бўладилар. Жамоатчилик асосида кутубхона ташкил этилган. Пионер уйи ҳузурида ташкил топган болалар футбол командаси «Молния» номи билан машҳурдир.

Пионер уйи активлари болалар томонидан мактабда, кўчада ёки уйда бўлиб қоладиган интизомсизликка бефарқ қарамайдилар. Бундай ҳол дарҳол муҳокама қилинади. Ота-оналар комитети мактаб ва оилалар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпти.

Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги «Коммуна», «Суръат» каби бир қатор маҳаллаларда ҳам ота-оналар комитетлари тузилган.

Корхоналарда ташкил этилган ҳамда маҳаллаларда ишлаётган ота-оналар комитетларининг иш тажрибалари бола тарбиясида жамоатчилик катта куч эканлигини кўрсатиб турибди

Т. МУМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон педагогика билимлари институтининг илмий ходими.

Бўка районидаги Ҳамза номли колхозда ўртоқ Абдусаттор Жўраевнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У ҳалол меҳнат қилаётганлиги сабабли ҳам кўпчиликнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ўртоқ Жўраев ғўзани қондириб суғориб кўп ҳосил тўплашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Суратда: ўртоқ А. Жўраев.

А. АБАЛЯН фотоси.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

КВАС КЎПАЙСИН

Бу йилги ёз иссиқ келди. Шундай жазирамали кунларда киши тез-тез ҳаҳ ҳаҳ ҳаҳ

ЙЎЛИМИЗ РАВОН БЎЛАДИ

Революция скверидан бошланган Энгельс кўча келажакда Чимкент трассасига бориб уланади. Йўл қурувчилари ана шу кўчада катта ишларни олиб бормоқдалар. Ўртадан ўтган Бўзсув анҳори устига кўприк қуриш билан банд улар. Кўприкнинг узунлиги 70 метр бўлади. У сувдан ўн метр баландликда ястанади. Сувнинг у ва бу томонидаги ўнқир-чўнқирликлар текислани б сўнг асфальтланади. Янги иншоот қурилиши келаси йил тугалланиб транспорт қатнови тўла изга тушади.

Кўприк қурилишини челябинсклик бинокорлар олиб боришаяпти. Улар мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ишлаб бу соҳа бўйича уста мутахассис бўлиб қолишган. Қурилишга Федор Сергеевич Шишкин раҳбарлик қилмоқда. Бу тажрибали прораб 1936 йилдан бери кўприк солиб, одамлар манзилини яқинлаштиради.

— Кўприк қурилишида иш уч сменада ташкил этилган, — дейди прораб. Дурадгорлар ҳам, бетончилар ҳам, монтажчилар ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилишаяпти. Мухина, Травин, Пронкин, Богданов каби кўплаб ишчилар смена топшириқларини ортиғи билан адо этмоқдалар. Қурилиш шу суръат билан бораверса, уни муддатидан бир ой илгари тугаллаш ҳеч гап эмас.

Кўприк қурилиши битгач, манзилимиз тағин ҳам яқинлашади. Транспортлар ҳаракати тезлашади.

М. АЗАМАТОВ.



Совет пейзажи ва натюрмортининг «Жонажон мамлакат бўйлаб» деб аталган ва пойтахтимизда намойиш қилинаётган виставкаси санъат мухлисларида катта қизиқиш туғдирмоқда. Бу икки репродукция ана шу виставка залидан олинган: чапда тал лиллик рассом Микко Пепининг пейзажи. Ўнгда эса ригалик рассом Генрих Клебах чизган парк тасвири.

А. Тўраев репродукциялари.

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА

Чилонзор массивининг 9-секторидаги 36-уй фойдаланишга топширилди. Бинокорлар барча ишларни муддатидан олдин тугаллашди. Бу ерда фақат оилаларгина истиқомат қилмай, беморлар ҳам даволанади. Бинонинг биринчи қаватига янги поликлиника жойлашган.

Янги поликлиникада рентген, хирургия, терапия кабинетлари, кўз ва қулоқ касалликларини даволовчи бўлимлар мавжуд. 30 дан ортиқ саломатлик посбонлари катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам дардига шифо излайдилар. Чилонзордаги бу даволаш муассасасининг ишга тушиши билан шаҳримиздаги поликлиникаларнинг сони 23 тага етди.

М. ЗАРИПОВ.

ДУРАНГ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Ф У Т Б О Л

«Пахтакор»нинг ҳавфли зонадан чиқиб кетиши учун жуда қулай имконият вужудга келган эди. Лекин ҳамшаҳарларимиз якшанба куни Москванинг «Локомотив» командасига бир очкони бой бериб қўйишди. Тўғри, биринчи таймда тошкентликлар бирмунча дуруст ўйнашди. 10-минутда Тожиров зарб билан ўрган тўп штангадан қайтди. 23-минутда Раҳматуллаев кутилмаганда олисдан нишонни аниқ олди, бироқ меҳмонлар дарвозабони Поляков тўпни моҳирона қайтариб қолди. 30-минутда қанот томонидан Мелкумов аниқ оширган тўпни яқин жойда турган Абдураимов эпчиллик билан дарвозага киритиб, ҳисобни очди. Аммо танаффусдан сўнг майдон эгаларининг ғалаба учун астойдил интилганликларини сезиш қийин эди. Бунинг устига ярим ҳимоячи Мухин ўрнига ҳали ўзини кўрсата олмаётган ҳужумчи Малиновскийни тушириб, тренерлар тактик хатога йўл қўйишди. Меҳмонларнинг актив ҳаракат қилган тажрибали ҳужумчиси Бабунин Горшковга тўпни аниқ оширгач, ҳисоб тенглашди. Тошкентликлардан Абдураимовгина жон қойитиб ҳаракат қилди. У 28-минутда Красницкий бурчакдан узатган тўпни боши билан дарвозага йўналтириб, ҳисобни 2:1 қилди. Аммо тўрт минут ўтмай ҳисоб 2:2 бўлиб қолди: Пшеничников лоқайдлик билан турганда Горшков олисдан тўпни дарвоза бурчагига киритди.

Бу турда «Пахтакор»нинг турнир жадвалидаги қўшниси «Черноморец» дам олди. Лекин ҳамшаҳарларимиз ундан ўзиб кетолмадилар. Ҳа, дуранг билан иш битмайди.

Минск динамочиларини қабул қилган Москва торпедочилари ягона пешқадам бўлиб олишди. Ўйин бошида меҳмонлар киритган тўпга жавобан торпедочи Э. Стрельцов иккита гол уриб, командасининг ғалабасини таъминлади. ЦСКА Куйбишевнинг «Крилья Советов» футболчилари билан дуранг ўйнаб (0:0) иккинчи ўринда қолди. Киев ва Тбилиси футболчилари пешқадамларга яқинлашишди. Украиналиклар Кутаиси автозаводчилари дарвозасига тўртта, Грузия пойтахти футболчилари эса Одессада армия спортчилари дарвозасига учта жавобсиз тўп киритиб катта ғалабага эришдилар.

Ҳозир турнирда аҳвол қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Торпедо» М.	12	21—6	19
ЦСКА	13	17—5	18
«Динамо» К.	12	17—7	16
«Динамо» Тб.	12	18—10	16
«Динамо» Мн.	12	12—6	14
«Зенит»	13	18—12	14
«Спартак»	13	13—9	14
«Шахтёр»	12	17—14	14
СКА Р.	12	13—12	13
«Крилья Советов»	12	12—13	12
«Нефтяник»	13	13—15	12
«Динамо» М.	12	13—12	11
«Локомотив»	12	15—18	11
«Черноморец»	12	16—23	9
«Пахтакор»	12	11—21	9
«Торпедо» К.	12	6—27	4
СКА Од.	12	2—24	2

ЕР КУРРАСИДА

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ВА СССР ПРОКУРАТУРАСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлиги комитети РСФСР жиноят кодексининг 70-моддаси 1-қисмига биноан, жиноий жавобгарликка тортилган Буюк Британия фуқароси Жералд Брук иши юзасидан терговни тамомлади.

Брук СССР территориясида советларга қарши қўпорувчилик ишларини олиб боришда айбланади.

Брук иши ҳақидаги айбномани ССР Иттифоқи бош прокурорининг ўринбосари тасдиқлади. Жиноий-процессуал қонунга мувофиқ, бу иш Москва шаҳар суди жиноят ишлари суд коллегиясининг қараб чиқиши учун ҳавола қилинди.

ИҒВОГАРЛИК РЕЖАЛАРИ

ПХЕНЬЯН, (ТАСС). АҚШ империалистларининг Жанубий Кореяда америка атом сув ости кемалари учун база вужудга келтириш планлари корейс халқига даҳшатли бўлиб, Узоқ Шарқда ва Осиёда тинчлик ҳамда осойишталикни жиддий хавф остида қолдиради. Корея халқи, деб ёзади Корея Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг органи «Нодон синмун» газетаси, бу режаларга бефарқ қарай олмайди.

«Нодон синмун» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Жанубий Кореяни америка атом сув ости кемалари учун базага айлантириш режалари Кореядаги яраш битими шартларига зиддир ва Узоқ Шарқда янги агрессия хавфли блок тузиш планларига қўл келади.

ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲУЖУМ

ХАНОЙ, (ТАСС). Америка реактив самолётларининг бир неча группаси 4 ва 5 июлда Лаоснинг ватанпарвар қучлари контрол ишлаётган районлари — Сиенг-Куанг ва Сам-Неа вилоятларининг ҳаво масофаларига бир неча марта бостириб кирди. Вьетнам информация агентлиги «Патет-лао овози» радиостанциясининг хабарига асосланиб, АҚШ самолётлари 6 ва 7-рақамли йўллар устида разведка ва иғвогарлик мақсадида учганлигини билдиради.

Агентликнинг билдиришича, Сиенг-Куанг ва Сам-Неа вилоятларида Патет-лао қисмлари ўт очиб, самолётларнинг бирини уриб туширганлар ва бирнеча самолётга шикаст етказганлар.

ЖОРЖ БОЛЛ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). АҚШ давлат секретарининг ўринбосари Жорж Болл НАТО кенгашининг сессиясида қатнашиш учун бу ерга келди. НАТО кенгашининг сессияси келгуси ҳафтада ана шу блокда аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари иштироки билан ўтказилиши керак. Бу ерда журналист доиралар ана шу сессия икки масалани — Вьетнамдаги аҳвол ва АҚШ мудофаа министри Макнамарининг шимолий атлантик иттифоқи доирасида НАТО мамлакатларининг тўрт-беш министридан иборат «ядро комитети» тузиш тўғрисидаги таклифини қараб чиқиши керак, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, Франция ҳукумати бу таклиф ўзини «қизиқтирмаётганлиги»ни маълум қилган эди.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

10 июлда Финляндия пойтахтидаги энг яхши заллардан бирида, Хельсинки Маданият уйида тинчлик, миллий мустақиллик ва ёпасига қуролсизланиш учун курашга бағишланган Жаҳон конгресси очилди. Ана шу энг катта халқаро анжуманда Осиё, Африка, Европа, Америкадаги кўпгина мамлакатларнинг, Австралиянинг делегациялари қатнашмоқда. Улар орасида тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг кекса ветеранлари, парламентларнинг депутатлари, турли давлатларнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, рассомлар бор. Ҳиндистон делегациясининг ўзигина юз кишидан иборат эканлигини айтиш кифоя. Тинчлик тарафдорлари миллий ташкилотларининг вакилларидан ташқари, конгресс ишида Жанубий Вьетнамни озод қилиш Миллий фронтининг делегатлари, ўз мустақиллиги учун курашаётган бошқа халқларнинг вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Ҳозирги Жаҳон конгрессининг характерли белгиси шуки, конгресс қатнашчиларининг ижтимоий состави ниҳоятда хилма-хилдир. Хельсинкита энг турли-туман ижтимоий ва сиёсий доираларнинг вакиллари келишиди, бу ҳол тинчлик тарафдорлари анжуманининг муваффақияти д а н барча халқларнинг астойдил манфаатдор эканликларини кўрсатиб турибди. Конгресс мажлислари ўтаётган залда Америка делегатлари ҳам бор. Булар Вьетнам қишлоқларини напалм билан ёндираётган ва Доминикана Республикасини оккупация қилиб турган Американинг вакиллари эмас, балки «бошқа Америка»нинг, ўз ҳукмрон доираларининг жинояткорона сиёсатини қоралаётган, барча халқлар билан тинч ҳамкорлик қилиш тилагида бўлган Американинг вакилларидир.

Хельсинкидаги конгресс халқаро вазият серташвиш бўлиб қолган кунларда тўпланди. Америка империализми миллий озодлик ҳаракатига қарши очиқдан-очиқ ҳужум қилиш йўлига ўтди. Вьетнам тупроғини уруш олови чулғаб олди, бу ерда Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнам партизанларига қарши ўтказилаётган жазо операцияларида бевосита қатнашмоқда. Қўшма Штатларнинг қуролли кучлари дунёнинг нариги бурчагида халқаро ҳуқуқ қонунларини кўпол равишда оёқ ости қилиб, Доминикана Республикасига бостириб кирди.

Ҳар қандай тинчликсевар давлат ҳозир бораётган ва ўзининг тақдирига ҳам бевосита дахилдор бўлган кураш пассив позицияда тура олмайди. Империалистик агрессия сиёсатига қарши олиб борилаётган бу курашга ҳамма халқлар ўз ҳиссаларини қўшмоқлари керак. Жуда кўп нарса барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларининг куч-ғайратларига боғлиқ.

Ҳозирги кунда Вьетнам тинчликсевар кучлар қурашининг олдинги марраси бўлиб қолди. Бинобарин, шу нарса бежиз эмаски, Хельсинкидаги Жаҳон конгрессида қатнашиш учун бу ерга келди. НАТО кенгашининг сессияси келгуси ҳафтада ана шу блокда аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари иштироки билан ўтказилиши керак. Бу ерда журналист доиралар ана шу сессия икки масалани — Вьетнамдаги аҳвол ва АҚШ мудофаа министри Макнамарининг шимолий атлантик иттифоқи доирасида НАТО мамлакатларининг тўрт-беш министридан иборат «ядро комитети» тузиш тўғрисидаги таклифини қараб чиқиши керак, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, Франция ҳукумати бу таклиф ўзини «қизиқтирмаётганлиги»ни маълум қилган эди.

ЖАҲОН ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

Шундай бўлиши ҳам табиий. Халқлар ўзларининг куч-ғайратларини бирлаштириб, Америка империализмининг агрессив йўлига кескин зарба берганлари тақдирдагина тинчлик ва тинч-тотув яшаш таъмин этилиши мумкин.

Конгресс муҳокама қиладиган бошқа муҳим масалалар орасида мустамлакачилик асоратига қарши кураш олиб бораётган халқларни озод қилиш проблемаси, ядро қуролини тақиқлаш, атомсиз зоналар барпо этиш, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ва Европа хавфсизлиги проблемалари ҳам бор. «Хельсинкидаги Жаҳон тинчлик конгресси, — деди Ўзбекистон тинчлик кенгашининг раиси Девон Чаман Лаал конгресс очилиш арафасида, — тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг бутун тарихидаги энг катта конгрессларидан бири бўлади». Мана шу халқаро анжуманнинг бошқа кўпгина қатнашчилари ҳам худди шундай фикрни баён қилмоқдалар.

Совет жамоатчилиги умид билдирадики, Хельсинкидаги конгресс тинчлик учун, империализмнинг агрессив ҳаракатларига қарши, ялпи уруш хавфининг олдини олиш учун курашаётган кишиларнинг буюк армиясини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК УСТИДАН ЎТКАЗИЛГАН СУД

Яқинда Африка мустамлакачилар устидан ўтказилган яна бир суднинг шоҳиди бўлди. Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациянинг амалга оширилишини назорат қилувчи БМТ Махсус комитетининг сайёр сессияси бир ой мобайнида Замбия, Эфиопия ва Танзания пойтахтларида иш олиб борди. Бу комитет ўз аъзоларининг сонига қараб 24 лар комитети деб аталади.

Комитет мажлислари биринчи марта бевосита Африка мамлакатларида, халқлар мустамлакачиларнинг ҳукмронлигига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган жойлар яқинида ўтди. Ангола ва Мозамбик, Португалия Гвинеяси ва Жанубий Родезия ҳамда курашаётган бошқа халқларнинг вакиллари 24 лар комитетининг мажлисларига таклиф қилинди. Мана шуларнинг ҳаммаси комитетнинг иши империализмга қарши, мустамлакачиликка қарши характерга эга бўлганлигини ниҳоят да бўрттириб кўрсатди.

Сайёр сессия қатнашчилари Африканинг сўнгги вақтларда ҳаддан ташқари кескин вазият вужудга келган кўпгина мамлакатларидаги аҳволни қараб чиқдилар. Англиянинг империалистик доираларидан мадад олиб турган Жанубий Родезия ирқчилари Жанубий Африка Республикасидаги Фервурднинг фашист режимидан андоза кўчириб, Африка қитъасида янги «оқ танликлар давлати» тузишни тезлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. АҚШдан ва НАТОдаги бошқа давлатлардан тобора кўп миқдорда молиявий ва ҳарбий ёрдам олаётган Португалия мустамлакачилари Ангола, Мозамбик ва Экваториал Гвинеядаги миллий озодлик ҳаракатини ўт ва қилич ёрдами билан бостиришга уринмоқдалар. Англия Жанубий Африкадаги Бечуаналенд. Свазиленд ва Басутоленд протекторатларида ўз ҳукмдорлигини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилмоқда. Фервурд ҳукумати Жанубий Африка халқини қулликка солиб, унга аёвсиз равишда жабр-зулм ўтказмоқда.

Миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари ана шу мамлакатлардаги аҳвол тўғрисида, мустамлакачиларга қарши кураш ҳақида қаҳр-ғазаб билан гапирдилар.

24 лар комитетининг аъзолари ва курашаётган халқларнинг вакиллари миллий озодлик революцияларига қарши уруш эълон қилган АҚШ империалистик доираларининг жинояткорона ролини фош этиб ташладилар. Ангола, Мозамбик ва Португалия Гвинеясининг ватанпарварлари Вашингтон ўзининг НАТОдаги иттифоқчиси Португалияга қандай мадад кўрсатаётганлигини сўзлаб бердилар. Дарёдек оқиб келаётган Америка қуроли бўлмаганида, деди Танзания вакили, Португалия Африка халқларининг ҳужумига бир кун ҳам чидаш бера олмаган бўлур эди. Ғарб давлатларининг комитетдаги вакиллари қанча зўр бериб уринсалар ҳам, империалистларнинг Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракатларига қарши ишлатаётган кирдикорлари тўғрисидаги асл ҳақиқатдан жаҳон жамоатчилиги хабар топишига халақит бера олмадилар.

24 лар комитети Африкадаги ўз умрини яшаб бўлган мустамлакачилик тартибларининг сақланиб қолишига қарши қаратилган муҳим резолюциялар қабул қилди.

24 лар комитети халқлар озодлик ва миллий мустақиллик ҳуқуқига эга эканликларини тасдиқлабгина қолмай, шу билан бирга халқларнинг мустамлакачиликка қарши олиб бораётган кураши қонуний эканлигини ҳам эътироф этди. Комитет аъзолари Португалия, Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезия ирқчилари билан мустамлакачиларга хатарли равишда ўзаро тил бириктириб олганликларини қоралаётгандар. Мана шу иттифоқ, дейилади резолюцияда, Африка аҳолисига қарши репрессия чораларини кучайтиришга ва уни мустамлакачиларнинг ҳукмронлигига узил-кесил бўйсундириб қўйишга қаратилган.

Шу фактни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, мустамлакачиликни йўқотиш билан шуғулланувчи комитет Ангола, Мозамбик ва Гвинеядаги озодлик курашчиларига қарши ишлатиш учун Португалияга қурол-яроғлар етказиб беришни дарҳол тўхтатишни НАТО давлатларидан талаб қилди. 24 лар комитетининг ғарблик аъзолари Африкада мустамлакачи тартибларни йўқ қилишга ҳамда БМТнинг Африкадаги барча халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациясини амалга оширишга ёрдам кўрсатишни ўзига мақсад қилиб олган резолюцияларга қарши овоз бердилар. Лекин улар яккаланиб қолдилар. Африка ва Осиёдаги мустақил давлатларнинг вакиллари, комитет ишининг муваффақиятли ўтиши учун кўп куч-ғайрат сарфлаган совет делегацияси ёпа туриб, империалистлар Африкада қуллиққа солиб қўйган мустамлакалардаги ирқий камситиш ва мустамлакачилик масаласини муҳокама қилмоқ учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг сайёр мажлисини Африка мамлакатларидан бирида ўтказсин, деган таклифни киритди. Кўпгина делегатлар бу таклифни қаттиқ қўллаб-қувватладилар.

Шундай қилиб, мустамлакачилик устидан ўтказилаётган суд давом эттирилади.

ЗИДДИЯТЛАР КЕСКИНЛАШИБ БОРМОҚДА

Ғарбий Европадаги бир қанча пойтахтларнинг сиёсий доиралари саросималик ҳукм сурмоқда. Франция ҳукумати Ғарбий Европадаги учта ташкилотга: «Умумий бозор», Евратом ҳамда «Европа кўмир ва пўлат уюшмаси»га бойкот эълон қилганлиги Бонн ва Гаагада, Париж ва Римда, Люксембург ва Брюссельда қизғин муҳокамадан ўтказилмоқда.

Июлнинг дастлабки кунларида генерал де Голль ўзининг доимий вакилини «Умумий бозор»нинг Брюсселдаги штаб—квартирасидан чақириб олди. Айни бир маҳалда Евратом ҳамда Европа кўмир ва пўлат уюшмаси ишида қатнашмаслик ҳақида Париж ўз вакилларига йўл-йўриқ юборди. Бу хабар «Умумий бозорда» Францияга шерик бўлган мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари орасида жанозага чақирувчи бонг сингари садо берди. Ғарбий Европа газеталари ана шу бекик иқтисодий группа чуқур танглиққа учрагаллиги ҳақида ёзмоқдалар.

«Умумий бозор»да қатнашувчи мамлакатларнинг ташқи ишлар ва қишлоқ хўжалик министрлари июнь ойининг охирида Брюсселга тўпланди. Бу ерда муҳокама қилинган асосий масала — Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида юргизиладиган умумий қишлоқ хўжалик сиёсатини келишиб олиш эди. Бу проблема Европа иқтисодий ҳамжамияти аъзолари олиб бораётган музокараларнинг йўлида кўндан бери ғов бўлиб турибди. 1964 йил декабрь ойида қаттиқ низолардан кейин, «Умумий бозор»даги шериклар донларнинг ягона нархлари тўғрисида муроса билан бир битимга келишга муваффақ бўлган эдилар.

Бироқ, бу муросанинг унчалик узоққа бормаслигини яқинда Брюсселда ўтган сессия кўрсатиб қўйди. Ғарбий Германия Францияга нисбатан иқтисодий характерга эга бўлишидан ҳам кўра кўпроқ сиёсий характерга эга бўлган талаблар қўйди. Бонн дипломатияси «Умумий бозор» доирасида ягона қишлоқ хўжалик сиёсати юргизиш масаласини Ғарбий Европани «сиёсий жиҳатдан бирлаштириш» деган планлар билан боғлиқ қилиб қўйди. Бу планларнинг мақсади Ғарбий Европа ҳамжамияти доирасида Германия Федератив Республикасининг позицияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат.

Франция капитализми билан Ғарбий Германия империализми ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар «Умумий бозор»даги тангликка ҳам негиз бўлмоқда. Ана шу зиддиятлар йўқолиш бир ёқда турсин, аксинча, тағин ҳам кўпроқ чуқур ва кескин тус олганлигини Брюссель сессияси кўрсатди.

Парижнинг «Умумий бозор» фаолиятини консизлантириб қўйиш ҳақидаги қароридан қаҳр-ғазабга келган Бонн сиёсий доиралари Францияга қарши кескин кампания бошладилар. Бу кампанияга фақат газеталар эмас, сиёсий арбоблар ҳам қўшилдилар. Ғарбий Германиянинг ҳукмрон доиралари ҳозир Европа иқтисодий ҳамжамиятининг бошқа аъзоларини йўлдан уришга ҳаракат қилмоқдалар. Чет эл матбуоти Италия президенти Сарагатнинг яқинда Боннга қилган сафарини ва унинг канцлер Эрхард билан олиб бораётган музокараларини худди мана шундай маънода баҳоламоқда.

Айни маҳалда Боннданги баъзи арбоблар ўзларини шундай қилиб кўрсатмоқдаларки, гўё ҳеч нарса бўлмагану, «Умумий бозор»да қатнашувчи мамлакатлар министрларининг 26 июлга мўлжалланган кенгаши ҳатто шу кенгашда Франция қатнашмаган тақдирда ҳам ўтказилаверади. Лекин бундай гаплар билан ана шу бекик группа қатнашчиларининг ичини мушкидай таталаётган чуқур зиддиятларни яшириш қийин. Европа иқтисодий ҳамжамиятида Франция вакилининг «бўш турадиган ўрни» сиртдан бўлса ҳам, лекин бу зиддиятлар ўсиб бораётганлигини жуда ёрқин кўрсатиб турибди.

Ф. САЙФУЛ-МУЛУКОВ. (ТАСС).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ёз қувончи** (болалар учун).

Рус тилида: 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Қурилиш майдонига — янги техника** (саноат ходимлари учун), 19.05 — **Реклама ва эълонлар**, 19.20 — **Майя Плисецкая** (бадиий фильм), 20.30 — **Эшитиришлар программаси**.

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Қишлоқ коммунистларининг иш куни**, 21.20 — **Интенсивлаш йўлидан**, 22.00 — **Ишчи ёшлар куйлайди ва рақсга тушади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Қизиқ ўйинчоқлар** (болалар учун), 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Ҳавода саёҳат**, 20.05 — **Доим изланишда** (адабий эшиттириш).

Рус тилида: 20.35 — **Ҳужжатли фильм**, 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Артамоновлар иши** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — **Андижон область Охунбобоев номли муздрамкомедия театри гастроллари** — 13/VII да **Катта концерт**, 14/VII да **Холисхон**. Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/VII да премьера **Мирандолина**, 14/VII да **Дилором**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Қора бизнес — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Юринглар, айёрлар! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бир севги қиссаси — «ИСКРА» (кеч соат 9.10 минутдан).

Улуғ Ватан уруши — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 яримда).

Симладаги севги (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Максим Перепелица — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 да бошланади)

Юринглар, айёрлар! — «ФЕСТИВАЛЬ. КАФАНОВ номли.

Қора бизнес — НАВОИЙ номли. ПУШКИН номли.

Бир севги қиссаси — «ВАТАН».

Байжу Бавра — ТЕЛЬМАН номли.

Жосус билан учрашув — «1 МАЙ».

Жорди — «УДАРНИК».

Янгийўл шаҳридаги

18-ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосларга 1965/66 ўқув йили учун

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Саноат ускунасини ремонт қилувчи слесарлар. Ўқиш муддати — 2 йил;

автомобиль ва тракторларни ремонт қилувчи слесарлар. Ўқиш муддати — 2 йил;

саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар. Ўқиш муддати — бир ярим йил;

металл токарлари. Ўқиш муддати — 1 йил ва 2 йил;

мебелчи дурадгорлар. Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

8-синф ҳажмида маълумотли 15-16 ёшдаги ўспиринлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Билим юртига қирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: маълумот ҳақида шаҳодатнома, характеристика, турар жойдан справка, 6 та фотокарточка паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан келтирилади.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳар, Туркманбоғ.

1-Фердавский проезд, 9-уйда турувчи **Абдувосиқ Абдуҳакимович Абдужабборовнинг** Самарқанд шаҳрида турувчи Муҳаббат Омоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Ғалаба кўчаси, 70-уйда турувчи **Турсуной Йўлдошевна Содиқованинг** Оққўрғон район, Алимкент қишлоғи, Весна кўчаси, 8-а уйда турувчи Жалил Саъдиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Гражданлар диққатига

ТОШКЕНТ-ПАССАЖИР СТАНЦИЯСИ ВОКЗАЛИНИНГ ЗАКАЗ БЮРОСИ

поезднинг жўнашидан 10 кун олдин

ТЕМИР ЙЎЛ БИЛЕТЛАРИ ОЛИШ УЧУН

эрталаб соат 8 дан кундуз 4 гача 30756, 30802, 25044, 34104-телефон орқали

ЗАЯВКА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Олдиндан билет сотувчи кассаларда

поезднинг жўнашидан 5 кун олдин эрталаб соат 8 дан кеч 7 гача

БИЛЕТЛАР СОТИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълим давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР

40-ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1965/66 ўқув йилига

ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти малакали ишчилар **1) мебелчи дурадгорлар, 2) дурадгорлар, 3) сантехника слесарлари, 4) автокранчилар, 5) бўёқчилар тайёрлайди.**

Ўқиш муддати — 2 йил, мебелчи дурадгорлар учун — 3 йил, бўёқчилар учун — 1 йил.

Билим юртига 8-синф ҳажмида ва ундан юқори маълумотга эга бўлган 15-16 ярим ёшдаги ўспиринлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 марта бепул овқат, форма ва иш кийими билан таъминланади.

Билим юрти ҳузурида дурадгорлар ва сантехника слесарлари тайёрлайдиган кечки 6 ойлик курс ҳам ташкил қилинади. Бу курсда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқилади. Курсга 30 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини тамомлаганлар мебель фабрикалари ва ёғочсозлик заводларида ишлайди.

Билим юртига кирувчилар директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: паспорт ёки туғилганлик ҳақида ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатноманинг асли, турар жойдан справка, соғлиғи ҳақида справка, 4.5×6 сантиметр ҳажмида 6 та фотокарточка. Аризалар дам олиш кунидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссе, 69-уй, телефон 6-09-96 (3-трамвайнинг «Пушкин майдони», 1, 2, 4, 20, 41, 74, 78-автобуснинг «Партия мактаби» остановкаси).

Сун Ят-сен кўчаси, 62-уйда турувчи **Наталья Юрьевна Балаянинг** Кафанов кўчаси, 29-уйда турувчи Сергей Погосович Балаяндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

2-Фигельский тупик, 4-уйда турувчи **Геннадий Дмитриевич Кузнецовнинг** Чилонзор массив, 8-б сектор, 31-уй, 27-квартирада турувчи Инеса Ибрагимовна Кузнецовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Уста Олим кўчаси, 20-уй, 44-квартирада турувчи **Равил Минуллиннинг Калинин** район, Узокос проезд, 69-уйда турувчи Элфия Минуллинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Пролетар кўчаси, 19-уй, 48-квартирада турувчи **Валентина Агапитовна Островскаянинг** Легзабский проезд, 38-уйда турувчи Станислав Юрьевич Островскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Физкультурная кўчаси, 13-уйда турувчи **Тамара Петровна Силкининг** Дубицкий кўчаси, 34-уйда турувчи Геннадий Фёдорович Силкиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Большевик кўчаси, 12 Декабрь тупик, 61-уйда турувчи **Райф Кукановнинг** шу уйда турувчи Раҳима Мирсоатовна Кукановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02135. Индекс 64969. Нашр. № 1802. X